



### ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ ВА ТАНҚИДЧИЛИГИНИНГ АТОҚЛИ НАМОЯНДАСИ

Наргиза Мавлонова Тўхтасин қизи  
Наманган вилояти Мингбулоқ тумани  
Ахборот кутубхона маркази мутахассиси

#### Аннотация:

Мақола филология фанлари доктори, профессор, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Ҳамза номидаги давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистан фанлар академиясининг академиги Матёқуб Қўшжоновнинг ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг ривожига қўшган ҳиссаси, ўрни ҳақидадир. Унда олимнинг асар таҳлилида асл моҳиятни очиб беришдаги маҳорати, адабиётимизнинг таниқли вакилларининг асарларини бизга масмуман мукамал тарзда етказилишидаги ўрни кенг ёритилган. Мақолани ўқиб, танқид ва таҳлил бадиий асар учун нечоғлик муҳим эканига амин бўлишингиз тайин.

**Калит сўзлар:** композиция, характер, маҳорат, мунаққид, талант, ижодий-эстетик принцип.

Олим Хоразмнинг кичкинагина бир қишлоғидан чиққан, болалиги меҳнат билан ўтган Матёқуб Қўшжонов, ижод соҳасида айрим нуқсон ва янглишишларидан қатъи назар, ҳеч қачон принципиалликни қўлдан бермаган ҳолда, ҳамиша тўғри гапириб, катта олим, фан доктори, адабиёт соҳасидаги энг йирик илм даргоҳининг раҳбари даражасига кўтарилган экан, унинг ҳалол меҳнати республика ҳукумати томонидан Ҳамза номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Биз бугун катта олим, филология фанлари доктори, профессор Матёқуб Қўшжонов босиб ўтган йўлга назар ташласак, бу йўл намуна бўлишга арзийдиган йўл эканлигига яна бир бор амин бўламиз.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг ёрқин намояндаларидан бири Матёқуб Қўшжонов адабиётшунос ва танқидчи сифатидаги фаолиятини ҳаётнинг паст баландини хўп кўргач, 50-йилларнинг охирларида бошлаган. Мунаққид илмий-ижодий фаолиятининг бошланиши жамият ҳаётида,



## International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: [econfséries.com](http://econfséries.com)

20<sup>th</sup> July 2025

ижтимоий тафаккурда жиддий ўзгаришлар юз бера бошлаган пайтларга тўғри келади. Ижодининг бошланишидаёқ М.Қўшжонов ўзининг қизиқиш доирасини, фаолиятининг бош тамойилини аниқ белгилаб олди: у бадиий асарни таҳлил қилиш ва баҳолашда бадиийликни бош мезон деб билди, кўпроқ бадиият, маҳорат масалалари билан шуғулланди.

Яна бир эътиборли томони шуки, М.Қўшжонов ўзини қизиқтирган масалаларни умумий тарзда эмас, концерт ижодкор асарлари мисолида ўрганиш йўлидан борди. Олимнинг илк асарлари ичида «Ойбек маҳорати», «Йўлчи характерининг эволюцияси», «Ойбек романларида конфликт ва характер» каби тадқиқотларнинг бўлиши бунинг ёрқин далилидир. Бошловчи тадқиқотчининг адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб масала ва уни ўрганишнинг энг оптимал йўлини илғай олгани олимлик иқтидорини кўрсатади. Зеро, адабиётшунослигимизда масалани шу тарзда ўрганиш учун шароит ҳам етилган эди: бу пайтга келиб янги ўзбек адабиётининг Ойбек, А.Қаҳҳор сингари иккинчи бўғин намояндаларининг асарлари бунинг учун етарли манба бўла олар эди. Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатига эътибор зарур: бир қарашда М.Қўшжоновнинг ишлари адабиётшуносликка тааллуқли, лекин манбанинг замонавий адабиётдан олингани ва жорий адабий жараён учун муҳим масалаларнинг тадқиқ этилгани уларни танқидга алоқадор этади. Асарларни характер ва композитсион жиҳатдан ўрганиб таҳлил қилиш борасида ҳам М. Қўшжоновга етадигани бўлмаган, десак муболаға бўлмайди. М.Қўшжонов адабий асарни ҳаёт билан боғлаган ҳолда таҳлил қилади, уни баҳолашда бадиий воқеликнинг яхлитлиги, мантиқнинг изчиллиги, тасвирнинг ҳаётийлиги, характерларнинг жонли ва тўлақонли яратилганлигига алоҳида эътибор беради. Масалан, унинг «Синчалак»да характерлар психологизми»(1960) номли мақоласида қўйилган муаммо асарни юқоридагича жиҳатларда текширишга имкон беради. М.Қўшжонов мазкур мақоласида «Синчалак» қиссасига жозоба бахш этиб турган муҳим жиҳат қаҳрамонлар руҳиятининг теран психологик таҳлил қилингани, хатти-ҳаракатларининг психологик жиҳатдан асослаб тасвирлангани эканлигини кўрсатади. Кейинроқ, У.Норматов билан ҳамкорликда ёзилган «Маҳорат сирлари» китобида ҳам М.Қўшжонов А.Қаҳҳор ҳақида ўз даври учун янги ва



## International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> July 2025

дадил фикрларни олдинга суради. Жумладан, у илк бор «Сароб»да «адашганлар фожиаси» талқин қилинганини, «Қўшчинор чироқлари»даги камчиликлар «конфликтсизлик назарияси» таъсирида юзага келганини таъкидлади. Албатта, бугунги адабиётшуносликда ушбу масалада ўзгача фикр устувор. Бироқ мунаққиднинг бу фикрлари ўз даври адабий танқидий тафаккурида жиддий силжиш бўлганини ҳам эътироф этмоқ зарур. М.Қўшжоновнинг «Абдулла Қаҳҳор ижодида сатира ва юмор» (1973) китобида адиб асарларида сатирик ва юмористик руҳини ҳосил қилувчи усуллар, бадиий воситалар атрофлича таҳлил қилинган. Бошқача айтсак, бунда ҳам адиб «маҳорат сирлари»нинг яна бир қирраси очиб берилган. Бундан илгарироқ ёзилган «Абдулла Қаҳҳорнинг эстетик принциплари ҳақида»(1967) номли мақоласида ёзувчининг адабий танқидий асарлари таҳлил қилиниб, унинг ижодий-эстетик принциплари кўрсатилган эди. М.Қўшжонов 80-90-йилларда ҳам А.Қаҳҳор ижодига мурожаат этади: «Абдулла Қаҳҳор маҳорати»(1988) китобини нашр эттирди, 90-йилларда адиб ижоди бўйича баҳсларга қатнашди. Бу ўринда санок билан чекланганимиз бир нарсани — М.Қўшжонов бутун фаолияти давомида А.Қаҳҳор ижодига мурожаат қилиб келаётганини кўрсатиш учундир. Худди шунга ўхшаш ҳолни М.Қўшжоновнинг А.Қодирий ижодини ўрганишида ҳам кўриш мумкин: ёзувчи оқланганидан сўнг олим «Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати» (1966) китобини чоп эттирган бўлса, кейинги китобларига кирган мақолаларида ҳам улуғ адиб ижодига қайта-қайта мурожаат қилди, истиқлол йилларида эса «Қодирий — эркисизлик қурбони» (1992), «Ўзбекнинг ўзлиги» (1994) китобларини яратди. Бундан кўриняптики, М.Қўшжонов насримизнинг икки улкан истеъдодли намояндаси асарларини ўрганиш орқали гўё «маҳорат мактаби» очди, унда ижодкор ва ўқувчиларнинг «таҳсил» олишларига имкон яратди. М.Қўшжонов илмий-ижодий фаолиятининг муҳим бир қирраси — шу. Назаримда, М.Қўшжонов талқин қиладиган асарлари матнини ёдлаш даражасида ўзлаштиради.

“Мунаққидлик ва адабиётшуносликка киришимда ўзимга йўл танладим деб ўйлайман. Москвада ўқиган пайтларимда матн устида ишлашни ўзимга шарт қилиб қўйдим. Шу мақсадда асарни ўқиб, “асар” яратишга уриндим. Аксарият



## International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> July 2025

ҳолларда бирор ҳикояни 1-2 марта ўқийман-да, китобни ёпиб ўша асарни қайта ёзаман. Кейин асл матн билан солиштираман ва йўл қўйган камчиликларимни англаб оламан. Камчиликларимни ҳисобга олиб иккинчи марта ёзишга ўтираман ва яна матнга солиштираман. Кўнглим тўлгунча бу жараён давом қилади. Шу йўсинда матнга нисбатан муҳаббат туйғуси шаклланди менда. Асарни таҳлил қилганда асл маънога нисбатан ҳар бир сўз, ҳар жумла, ҳар бир тиниш белгисининг ўрни қай даражада эканини англайдиган бўлдим. Менинг илк бора “Звезда Востока” журналида эълон қилинган “Формирование характера” номли мақолам шу услубда яратилган. Ҳанузгача мен шу услубга содиқман...

Мен 50 йил давомида 40 га яқин китоб ва рисоалар, 500 га яқин мақолалар эълон қилдим. Умуман олганда, мен ижодимдан қаноатланаман... Менда қаноат ҳосил қилган асарларим асосан матн таҳлилига бағишланган”<sup>1</sup>.

М.Қўшжонов фаолиятининг иккинчи қирраси — танқидчилик, у биринчисига тўғридан-тўғри боғланади: талабчан мунаққид сифатида у носирларимизни ўзи ҳурмат қилган адиблар даражасига кўтаришга интилади. Унинг қатор китоблари, мақолаларида жорий адабий жараён, хусусан, насримиздаги ҳолат, муаммолар, ютуқ ва камчиликлар текширилади, уларда, насримизнинг камолини кўзда тутган ҳолда, талабчан холислик, жонкуярлик билан фикр юритилган. Жумладан, «Ҳаёт ва маҳорат»(1962) мақоласида 50-йиллар охири 60-йиллар бошидаги насримизда мавжуд муаммолар, уларнинг илдизлари очиб берилади. Масалан, мунаққид шу давр насрчилигидаги катта камчиликлардан бирининг сабаби қуйидагича изоҳланади: «ёзувчилар кўпроқ воқеаларга эътибор берадилар, яъни уларни кўпроқ қурилайётган электростанция, очилаётган кўриқ <...> ва ҳоказолар қизиқтиради. Шу ишларни бажараётган кишиларни эса унутиб, иккинчи планга тушириб қўядилар». Бунинг оқибатида эса адабиёт ўзининг «инсоншунослик» хусусиятини йўқотиб қўяди: «бадийлик учун зарур бўлган воқеалар билан кишилар орасидаги нормал пропорция — мувозанат бузилади». Кўрамизки, М.Қўшжонов давр адабиётида урчий бошлаган «долзарб мавзу» баҳонасида

<sup>1</sup> М. Қўшжонов. XX аср менинг гақдиримда. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2001 йил, 1-сон, 13-14-саҳифалар.



## International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> July 2025

адабиётда «прописка» олиш даъвосида бўлаётган туссиз асарларга қарши туради, бадий баркамол асарлар яратиш учун инсон характери ёркин ва жонли тасвирлаш кераклигини таъкидлайди. Мунаққид характерларнинг «умум хусусиятларини кўрсатиш йўлига ўтиб, ҳаётни юзаки тасвирлаш» натижасида «схематизм келиб чиқиши»ни концерт асарлар таҳлилида очиқ беради.

70-йилларда М.Қўшжонов масаланинг яна бир муҳим қиррасига диққатни тортди: «Маъно — маҳоратнинг бош масаласи» (1973) деган фикрни олдинга сурди. Аслида, мақолада гап шакл ва мазмун бирлиги, уйғунлиги ҳақида боради, «маъно аввало асарнинг композициясида акс этиши» таъкидланади. М.Қўшжонов бу ўринда систем таҳлил, асарнинг шакл ва мазмун жиҳатларини бирликда олиб текшириш тамойилини намоёниш этади.

Бизнингча, Матёқуб Қўшжоновнинг энг яхши фазилатларидан бири унинг Белинский, Добролюбов, Чернишевский каби улуғ рус танқидчилари яратган эстетик принципларга суяниб иш тутишида, санъат асарига, умуман, адабиётга шу принциплар асосида ёндашишидадир. Бу нарса биринчи навбатда Матёқуб Қўшжоновнинг ҳар бир бадий асарни ҳаёт билан солиштириб ўқишида, бадий асарга суянган ҳолда турмуш тўғрисида, унинг ички зиддиятлари, муаммолари, долзарб гаплари, ҳаёт илғари сураётган маънавий ва ахлоқий масалалар, илм тили билан айтганда, ижтимоий масалалар тўғрисида кенг фикр юритишга ҳаракат қилишидадир.

М.Қўшжонов истиқлолни табаррук ёшида қаршилади. Истиқлол очган имкониятлар фикри тиниқ, қарийб 40 йил адабий танқид қозонида қайнаган мунаққидни бефарқ қолдириши асло мумкин эмас эди, албатта. М.Қўшжонов ўзининг қатор мақолалари билан адабий жараёнда қатнашди, адабий танқидий фаолиятида давр тақозоси билан йўл қўйган камчиликларини мардона тан олди, босиб ўтган йўли, шўро давридаги адабиётимиз ва адабиётшунослик илмимиздаги ҳодисалар ҳақида бой маълумот берувчи «Армон», «Дийдор» сингари мемуар асарларини ёзди. Олим бир пайтлар ўзига армон бўлиб қолган Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидаги образлар тизимининг таҳлилига



## International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> July 2025

бағишланган мақоласини<sup>2</sup> эълон қилди, «Сароб» юзасидан билдирилган фикрларга муносабатини билдирди<sup>3</sup>; ўзи меҳр қўйган улуғ адибимиз ҳақида «Қодирий — эркисизлик қурбони», «Ўзбекнинг ўзлиги» номли китобларини чоп эттирди. Дарвоқе, М.Қўшжонов ёш адиб У.Ҳамдамнинг «Мувозанат» романи нашрига «Шиддат билан ёзилган роман» номли сўзбошисини ёзди, ҳатто, муаллифга тенгқурларнинг ҳам бари қабул қила олмаган романни мунаққид тушунди ва муносиб баҳолади: ҳаракатдаги фикр қаримайди, дейдилар.

1975 йилдан бошлаб Матёқуб Қўшжонов Тил ва адабиёт институтининг ишларига унинг директори сифатида раҳбарлик қилди. Институт ходимлари ва адабий жамоатчилик яхши биладики, бу давр мазкур институт учун энг самарали иш даври бўлди. Икки жилдлик “Адабиёт назарияси” Ўзбекистан тарихида илк мартаба яратилган академик назария сифатида машҳур бўлди. Шу даврда беш жилдлик “Ўзбек адабиёти тарихи”, икки жилдлик “Танқид тарихи” (бу ҳам илк марта), икки жилдлик “Русча-ўзбекча луғат” яратилди. 1981 йили эса ўзбек маданияти тарихида яна бир катта воқеа бўлган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” нашр этилди.

Матёқуб Қўшжонов беш юзга яқин мақола, ўттиздан ортиқ китоб муаллифидир. Бу илмий ишлар қаторида “Ҳаёт ва маҳорат”, “Ижод масъулияти”, “Ойбек маҳорати”, “Абдулла Қаҳҳор маҳорати” каби асарлар; икки жилдлик “Адабиёт назарияси”га кирган бадиий асарда сюжет, композиция, конфликт муаммоларига доир боблар, эстетик категорияларга бағишланган махсус боб бор. Булар қаторига яна кейинги йиллари эълон этилган “Қодирий – эркисизлик қурбони” ва “Ўзбекнинг ўзлиги” китоблари қўшилди. Иккинчи жаҳон урушида мерган сифатида маҳорат кўрсатган Матёқуб Қўшжонов ўз хотираларини “Тепки босилди” номи билан бадиий лавҳалар шаклида эълон қилди.

Сўнгги йиллари босилиб чиққан “Дагиш”, “Алам” ва “Дийдорнома” китоблари қўшилиб, олимнинг таржимаи ҳоли асосида яратилган трилогияни ташкил этди...

<sup>2</sup>Ўзбек тили ва адабиёти.- 1992.- № 3-4

<sup>3</sup> Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- 1995, 17 март



## International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> July 2025

М. Қўшжонов ўзининг бош вазифаси талантни мудофаа этиш эканини дарров пайқаган ва ўз ишида бу вазифага марказий ўрин берган эди.

А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асари юзасидан ёзган фикрларидаги теранлик, кенг мушоҳадаси китобхонларни ўзига боғлаб олади. Асарда ота-она орзуси Отабекнинг муҳаббатига болта уради, лекин у тазйикқа нисбатан жуда пассив муносабатда бўлган. Бу ҳолатни олим чиройли ифодалайди: “Ҳа, Отабек руҳан кучли шахс. Кучли паҳлавонлар ўзига яқин, лекин ўзига нисбатан кучи кам кишилар билан кураш майдонига чиқиб қолсалар, йиқилиб кўяқолишни афзал кўрадилар. Бу уларнинг кучсизлигини эмас, кучлилигини кўрсатади.”<sup>4</sup>

Яна шуниси ҳам муҳимки, М. Қўшжонов ўз асарларида истеъдоднинг қадрига этиш зарурлиги тўғрисидагина эмас, талантнинг ўз масъулияти борлигини ҳам доим уқтира борган эди. М. Қўшжоновнинг бирорта катта ё кичик асари йўқки, унда талантнинг масъулияти масаласи бевосита ёки билвосита ўртага қўйилмаган бўлсин.

Ниҳоят, етук адабий танқидчилик ва адабиётшунослик учун жуда ҳам қимматли яна бир хусусият борки, унинг М. Қўшжонов ишларида мавжудлиги бизни қувонтиради. Бу фазилат унинг асарларининг қимматини оширади.

Мунаққид 20 йилдан кўпроқ вақт давомида кўзи ҳиралашиб, ўзи ўқий олмай қолган, бошқаларга ўқитиб, овозларни қайта эшитиб ҳам асарлар, мақолалар яратганлигини шогирдларининг фикрлари орқали эшитганмиз (Абдулла Улуғов). Шундай бўлсада, асарларни ҳарактер жиҳатдан қилган таҳлиллари ҳам таҳсинла лойиқ десак муболаға бўлмайди. Исбот сифатида Озод Шарафиддиновнинг “Ҳарактер – бадиийлик мезони” мақоласида: “... характер яратиш масаласи бадиий адабиётнинг энг мураккаб ва энг жумбоқли вазифасидир. Жаҳон адабиёти бири-бирига ўхшамаган, бири-бирдан мукамал ранго-ранг характерларга ниҳоятда бой... Турли туман асарларни таҳлил қилиб, уларда характер қандай яратилганини аниқлаш мумкин, лекин

<sup>4</sup> “Ҳаёт ва қаҳрамон” 49-50-бетлар



## International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: [econferences.com](http://econferences.com)

20<sup>th</sup> July 2025

уни қандай яратиш кераклиги ҳақида рецепт бериб бўлмайди”<sup>5</sup>, - деган сўзларини мисол қилиш кифоя.

Олимнинг фикрларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, буларнинг бари улкан истеъдод, қолаверса, тенгсиз фидокорлик ва тинимсиз меҳнатнинг самараси маҳсулидир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. М. Қўшжонов. XX аср менинг гақдиримда. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2001 йил, 1-сон, 13-14-саҳифалар.
2. Ўзбек тили ва адабиёти.- 1992.- № 3-4
3. Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- 1995, 17 март
4. “Ҳаёт ва қаҳрамон” 49-50-бетлар
5. О. Шарафиддинов. Гўзаллик излаб. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 82-саҳифа.
6. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
7. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)
8. [www.adabiyot.uz](http://www.adabiyot.uz)

---

<sup>5</sup> О. Шарафиддинов. Гўзаллик излаб. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 82-саҳифа